

Жорий йилда 30 масивда 1050 та намунавий лойиҳа асосидаги янги замонавий уйлар қурилиши режалаштирилган. Кўркам қишлоқларни барпо этиш жадал бораётир.

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

Пастдарғом туманидаги «Лозор-2» массивида айни пайтда 120 та намунавий уйларни барпо этиш поёнига етказилмоқда. Шунингдек, янги қишлоқда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳалла маркази, маиший ва савдо, хизмат кўрсатиш шохобчаларини ишга туширишга ҳам тарафдорлик қилинмоқда.

Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ИҚТИДОРЛАР САРАЛАНДИ

Юсак мукофотга эришиш истигада бўлган юз нафардан зиёд қиз таълим, маданият, фан, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича ўз иқтидорини намойиш этди. Турли ҳудудларда тенгдошларини орта қолдирганларнинг 43 нафари мактаб, 51 нафари академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, 10 нафари аса олий ўқув юртида тахсил олади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

НАВОИЙ

Кейинги йилларда болалар мусика ва санъат мактаблари қурилишига катта аҳамият берилмоқда. Жорий йилнинг ўзига Зарафшон шаҳрида 7 та мусика ва санъат мактаби барпо этилди.

ИСТЕЪДОДЛАРГА

КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

Учқудуқ тумани ва Навоий шаҳридаги 2 та ана шундай таълим муассасаси реконструкция қилинди. Яқинда аса Қизилтепа туманидаги 3-музыка ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Барча шарафли эга ушбу даргоҳда ўқувчилар 17 та мутахассислик бўйича тахсил олади.

Муассаса ховлисида 74 ўринли ёзги амфитеатрнинг барпо этилгани ёш истеъдод соҳибларининг концерт дастурлари уюштириб туришларига имкон беради. Кенг ва ёруғ синфоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

М. АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

БУХОРО

Ғиждувон шаҳрида мамлакатимизнинг танқили кулолланидиган бири Алишер Нарзуллаев ташаббуси билан амалий беэақ санъати маркази очилди.

САНЪАТ МАРКАЗИ

Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган қўш қаватли кўркам бинода усталарнинг самарали меҳнат қилишлари, ёш авлоднинг эса хунар сирларини пухта ўлаштиришлари учун барча шарт-шароит яратилган. Эътиборлиси, марказ биноси халқни ҳалол меҳнат қилишга даъват этган улўғ пирлардан бири Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний зиёратгоҳи яқинида жойлашган. Бунинг натижасида зиёратчилар, хорижий сайёҳлар учун ҳам бирмунча қулайлик яратилди. Эндиликда, улўғ муборак қадамжода зиёрат қилишлари ва айни вақтда хунармандлар фаолияти билан танишишлари мумкин.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири




Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

Ishonch

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 7-ноябр, payshanba № 135 (3328)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллиги олдидан



Хар бир сўзи олам-олам маъно, хар бир моддаси эзгулик сарчашмаси бўлган бу ҳужжат Ўзбекистон аталмиш муаззам мамлакатнинг, турли тилда тиллашиб, ягона мақсад — озод ва обод Ватан яратиш йўлида яшаётган буюк халқнинг қонуний ҳимоячиси, ҳуқуқ ва бурчининг одил ҳақами, эркинлик ва озодлигининг қафолатидир.

Қутлуғ ҚОМУСИМИЗ

Мустақиллик хар бир халққа эмин-эркин яшашга эмас, ўзининг ўтмишига эғалик қилиш, бугунини ўзи истагандек ўтказиш, келажак ҳақида эркин режалар тузиш ва интилиш ҳуқуқини, бахтини беради.

Шунинг учун Конституцияимизнинг 1-боби «Давлат суверенитети» деб номланган ва 1-моддасида «Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади», деб ёзилган бўлса, 3-моддасида «Ўзбекистон Республикаси миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлиnmасдир» дейилган. Шу тарзда Ўзбекистоннинг мамлакат сифатидаги муқтақ мустақиллиги қонуний жиҳатдан муқтаҳкамлаб қўйилган.

Бир қарашда бу табиий бир ҳолдек, хар бир мамлакатнинг халқаро қонун-қодалар доирасидаги ҳуқуқидек туолади. Бирок, жаҳондаги қўлаб мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат мустақиллигини эълон қилиш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътирофини таъминлаш масаланинг бир томони бўлиб, «Бу юртининг эгаси ким, у кимнинг манфаатларига хизмат қилади, кимнинг ҳимоясига таянади?» деган саволларга очик-ойдин жавоб берилган ва ушбу мақсадни амалга оширишнинг ҳуқуқий тамойиллари белгилангандан сўнггина қутилган самарага эришиш мумкин.

Шу боисдан ҳам Конституцияимизнинг бош тамойили, барча боб ва моддаларнинг замирига сингдирилган мазмун — муқтақ мамлакатнинг эгаси муқтақил халқ, муқтақил фўқаролар бўлади, деган ғояга асосланади ва «Халқ ҳокимиятичилиги» бобининг 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир», деб қайд этилади.

(Давоми 3-саҳифада).

2013 йил — Обод турмуш йили



Наманган вилоятининг Норин туманидаги «Norin mechanical plant» масъулияти чекланган жамиятида велосипедлар учун рама ва вилкалар ишлаб чиқарадиган янги цех ишга тушди.



Норинда велосипед ишлаб чиқарилмоқда



— Корхонада велосипед ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича уч йилга мўлжалланган дастур қабул қилинган, — дейди «Norin mechanical plant» масъулияти чекланган жамияти директори Баҳодир Жўраев. — Дастурнинг биринчи босқичига кўра, велосипедларнинг рама ва вилкаларини қўшимчада тайёрлаш йўлга қўйилди. 2015 йилга қадар бу транспорт воситасининг шу ерда тайёрланадиган бутловчи қисмларининг 60-70 фоизга етказишни мақсад қилганмиз.

Бу ерда, шунингдек, «GM-Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун саксон беш турдаги бутловчи қисмлар ва олти турдаги катталар ва болалар велосипедлари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бир миллиард сўмликдан зиёд бутловчи қисмлар тайёрланди. Тўрт мингга яқин велосипед ишлаб чиқарилди.

Корхонада меҳнат қилаётган 92 нафар ишчининг аксарияти касб-хунар коллежини битирган ёшлардир.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар

Анжуман

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан «Фўқаролик назорати механизмининг шакллантириш, очиклик ва ошқоралик» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ҳарбийлар эъзозда

Тинчлик-осойишталик барча ютуқларимизнинг асосидир. Бу улўғ неъматнинг барқарорлиги ва бардавонлиги жамоатчиликнинг биргалликдаги сай-ҳаракати, юртимизда яшаётган хар бир инсоннинг фаолиги ва фидойилигига боғлиқ. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни муқтаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

(Давоми 2-саҳифада).

Тадбир



Ўзбекистондаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 13 мингдан зиёд номдаги махсулотлар VII халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида намойиш этилди.

Эътироф

Тадбирда 1300 маҳаллий корхоналар иштирок этган бўлса, уларнинг 1000 дан ортигини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этади. Бир ҳафта мобайнида «Ўзэкспомарказ»нинг барча майдонлари, 4 та кўргазмалар ва 1 та анжуманлар зали саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси тадбирлари ва иштирокчилари билан банд бўлди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон саноатининг етакчи соҳалари вакиллари томонидан 76 та тақдимот намойиш этилди. Ярмаркада Германия, Буюк Британия, Канада, Хитой, Корея, Хиндистон, Япония, Туркия ва бошқа давлат вакиллари қатнашишди. Иштирокчи корхоналар томонидан ўтган йилдагидан 1,24 марта кўп махсулот сотиб олиш бўйича, шунингдек, 22 фоиздан кўп экспорт шартномалари имзоланди.

Тадбирнинг ёпилиш маросимида турли йўналишлар бўйича голиблар аниқланди ва рағбатлантирилди.

Худудлар ўртасида энг яхши тақдимотлар ўтказган Наманган ва Андижон вилоятлари ҳокимликлари биринчи ва иккинчи ўринни эгаллади.

Ишлаб чиқаришга янги турдаги махсулотларни татиқ қилгани учун «Ўзелтхасаноат» ассоциацияси ҳамда «Мароқанд-сифат» МЧЖ фахрий ёрликларга сазовор бўлишди. «Йилнинг энг яхши тақдимоти» йўналишида «Ўзинпром-холдинг» компанияси алоҳида эътироф этилди.

Булардан ташқари, қатор корхоналар вакиллари «Фаол иштироки учун» диплом ва совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

Энг намунали бошланғич ташкилот

Хар қандай соҳа ривожига эътибор ва рағбат муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода касба уюшмалари томонидан ташкил этиб келинаётган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танлови тизим ташкилотлари ва фаоллари ишини янада жонлантиришда қўл келаяпти, деб бемалол айтиш мумкин.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган танловнинг тармоқ ташкилотлари ўртасидаги республика босқичида ҳам ташаббускорлик ва фаоллик сезилиб турди.

Тадбир аввалида худудларда голиб деб топилган намунали бошланғич ташкилотлар фаолиятига оид кўргазма ташкил этилди. Эътиборли жиҳати, унда бошланғичлардаги иш жараёни акс этган турли ҳужжатлар, стенд ва фотосуратлардан ташқари, агросаноат тизими ташкилотларида ишлаб чиқарилган махсулотлар ҳам намойиш қилинди. Тизим корхоналари ҳамда фермер хўжаликлари томонидан етиштирилаётган мева-сабзавотлар, пахта ва пахта-



Эътибор ва рағбат

дан тайёрланган кийим-кечаклар, ёғ, совун ва бошқа кундалик ҳаётимизда зарур бўлган турли-туман махсулотлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси таркибига 98 та пахта тозалаш корхоналарини ўз ичига олган 13 та худудий «Пахта-саноат» акциядорлик бирлашмаси, «Пахта-саноат» илмий маркази», 34 та ихтисослаштирилган уруғлик тайёрлаш цехи, худудий марказий таъминот базалари ва бошқа

ёрдамчи бўлинмалар қиради, — дейди «Пахта-саноат илмий маркази» ОАЖ бошланғич касба уюшма кўмитаси раиси Н.Қамолов. — 2012-2013 йилларда 8 та корхона хорижий ва маҳаллий технологик қурилмалар билан жиҳозланиб, модернизация қилинди. Барча «Пахта-саноат» худудий бирлашмаларида ва бир қатор пахта тозалаш корхоналарида сифат менежментининг ISO 9001 стандарти бўйича халқаро тизим жорий этилди.

(Давоми 2-саҳифада).



Марҳаматхон Тўхтабоевани чортоқликлар ташкилотчи ва тадбиркор аёл сифатида танишади. У ўрта мактабни тугатиб Уйчи туманидаги «Ун ҳаёт» ипакчилик корхонасининг Чортоқдаги филиалига шогирд бўлиб ишга келганди. Ун йил давомида касб сир-асрорларини кунт билан эгаллаб, уста даражасига етди. Кейин эса шу жамоа сардорига айланди. Бозор иқтисодиёти шароити кўпгина корхоналарга ўз тузатишини киритди. Айримлари мулк шаклини ўзгартирди. Чортоқдаги мазкур корхона ҳам шу йўсинда тугатилиб, Марҳаматхон ўзи ишлаб турган корхонани хусусийлаштириб олди. Уч нафар хунарманд билан иш бошлаган «Раҳимжон Умаров» хусусий корхонасида бугун йигирмадан зиёд хотин-қиз меҳнат қилмоқда.



АТЛАС ЖИЛОСИ

Бу ерда тўқилаётган сержило атлас ва адрас матолар харидордир. Мухайё Мўминова, Қундузхон Иномова, Мавлуда Қурбонова, Хилола Умарова, Мунаввар Қурбонова каби моҳир тўқувчилар Марҳаматхоннинг суюнган тоғлари. Улар корхона ташкил топгандан буён шу ерда ая билан елкама-елка туриб меҳнат қилмоқда. — Келгуси режаларимиз корхонани янада кенгайтириш, — дейди биз билан суҳбатда Марҳаматхон Тўхтабоева. — Банкдан имтиёзли кредит эвазига хориждан янги техника ва технологиялар олиб келиб ўрнатмоқчимиз. Ана шунда маҳсулот тури камиди ўттизтага, ишловчилар сони эса олтиш нафарга етади. Бугина эмас, тўқилган матони сотувга чиқаришдан ташқари, тикувчилик ва попопчиликни ҳам йўлга қўйиб, тайёр маҳсулотлар салмоғини ошириш ниятидамыз. **Суратларда:** хусусий корхона фаолиятдан лавҳалар. **Тўғунбек МАҲКАМЗОДА** олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Пахта тазалаш корхоналари фаолиятининг йиллик мониторинги шуни кўрсатдики, тола чиқиши ва пахта маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари яхшиланмоқда, ёнилғи ва энергетика ресурслари тежалаяпти. «Олий» ва «Яши» синфли маҳсулотларнинг улуши 88,06 фоизга етказилди. Юқори навли тола микдори умумий ҳажмда 90,25 фоизни ташкил қилмоқда. Ушбу жараёнда «Пахтасан» ноат илмий марказининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта. Марказ касаб уюшма кўмитаси томонидан эса жамоани ҳар

«Ҳадича ая» фермер хўжалиги раҳбари:

— Хўжалигимиз 2002 йилда ташкил топган бўлиб, 90 га. ер майдонида ва 50 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритиб келади. Ходимларимизга ишлаш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, хўжалик дала шийпони замонавий типда қайта таъмирланиб, эр-кақлар ва аёллар учун алоҳида дам олиш хоналари, касаб уюшмаси кўмитаси, маънавият ва тиббиёт хоналари қайта жиҳозланди. Яна бир эътиборли томони, хўжаликда паррандачилик, асаларичилик

«Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тармоқ касаб уюшмалари тизимида

Ғолиблар сафида эканидан жуда мамнунмиз. **Шаробиддин Тўхтабоев, «Андижон ёғ-мой» ОАЖ бошланғич касаб уюшма кўмитаси раиси:** — 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси тузилган бўлиб, шу асосда иш олиб бораёلمиз. Ишчи-ходимлар учун барча шароит яратилган. 100 ўринли ошхона, тиббиёт пункти, кутубхона ва тадбирлар учун зал мавжуд. Сартарошхона, навойихона, автотомбилларга сервис хизмат

Эътибор ва рағбат

томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Тармоқ ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгаши раиси Мусо Анорбоев ушбу кўрик-танлов тизимдаги бошланғич ташкилотларнинг ишчи кўрсатиш баробарида янада фаол бўлишга чорлаб, ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб эътиборини қайд этиб, тармоқ ходимлари касаб уюшмалари ҳаракатида бошланғич ташкилотларнинг тутган ўрни ва ролига атоғлича тўхтади. Бошланғич ташкилотлар раислари ўзларининг ижобий иш тажрибасини видеоролик ва слайдлар орқали атоғлича таништиришди. Шундан сўнг танловнинг тармоқ бўйича республика ғолиблари эълон қилинди. Унга кўра, 1-ўринга «Пахта-сан» ноат илмий маркази ОАЖ бошланғич касаб уюшма кўмитаси сазовор бўлди. «Андижон ёғ-мой» ОАЖ бошланғич касаб кўмитасига 2-ўрин насиб этган бўлса, Наманган вилоятдан «Ҳадича ая» фермер хўжалиги бошланғич касаб уюшма ташкилоти 3-ўринга лойиқ деб топилди ҳамда ташкилотчилар томонидан диплом ва қўimmatбҳо соғвалар билан тақдирланди. Бир қатор бошланғич ташкилотларга тармоқ ходимлари Марказий кенгашининг ташаккурнома-си ва соғвалари топширилди. **Ҳадичахон Мирзаева, Ўзбекистон Қаҳрамони,**



каби соҳаларда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Ушбу ёрдамчи хўжаликлар негизда касаб уюшма ҳисобидан 6 та янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, сартарошхона ва тегиримон ишга туширилиб, яна 4 та иш ўрнига асос солинди. Юртимизда рўй бераётган янгиликлар, амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини ишчиларга етказиш мақсадида «Маънавият соатлари»ни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Меҳнат муҳофазаси доимий диққат марказимизда. Хўжаликда техникадан унумли фойдаланиш, техника хавфсизлиги ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича масъул шахслар томонидан тушунтириш-ишлари олиб бориш йўлга қўйилган. Натижада, 2002 йилдан бери хўжалигимиз меҳнат муҳофазаси бўйича туман фермер хўжаликларини ичда яши ўринларни эгаллаб келмоқда. Хўжалигимиз касаб уюшма кўмитасининг меҳнати эътироф этилганидан,

кўрсатувчи шохобчалар, шунингдек, салкам 6 гектарлик боғ ташкил этилган. Турли байрамларда ходимлар имкон даражасида рағбатлантириб бораёلمиз. Ҳар йили улар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади. Ишчилар йилда бир марта махсус кийим билан таъминланади. Ҳар бир цехда ювинши, кийинши хоналари мавжуд. Меҳнатни муҳофазат қилиш тadbирлари йилга ўртача 50 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилиб, хавфсиз меҳнат шароити мунтазам назорат қилинади. Натижада, ўтган икки йил мобайнида ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз бермади. Фаолиятимиз муносиб баҳолаганидан хурсандимиз. Тизим фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бу каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши, шубҳасиз. **Акмал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ** олган суратлар

Касаб уюшмалари ҳаётидан

Мулк давлат тасарруфидан чиқарилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланиб бормоқда. Бу ҳол жойлардаги касаб уюшма ташкилотларига тадбиркорларнинг бошини қовуштириб, уларга ҳар томонлама, сифатли хизмат кўрсатиш вазифасини қўймоқда. **Мухбиримиз Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаб уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Дилшод Аҳмедов билан шу ҳақда суҳбатлашди.**

Тадбиркор иш бошлади унга ким таянч бўлади?

— Тизимимизда 1992 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 78 минг 566 нафар аъзони бирлаштирган, — дейди Дилшод Аҳмедов. — 10 та туман кенгаши тармоқ ходимларининг оғирини енгил қилиш учун янгича ёндашув асосида фаолият кўрсатмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамаси, Касаб уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган Бош келишув, шунингдек, тармоқ касаб уюшмаси Марказий кенгашимиз ҳамда вазирлик, идоралар ўртасида имзоланган жамоа келишувларига асосан ҳар бир бошланғич ташкилотда жамоа шартномаси тузилиб, мазкур ҳужжат орқали тармоқ меҳнат-кашларининг ҳуқуқлари ҳимояланмоқда. Обод турмуш йилида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳамда уларнинг меҳнатларини муҳофазалаш борасида яхшигина натижаларга эришдик. Жумладан, кам таъминланган оилаларнинг 391 тасига 36 миллион 743 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 36 та оиллага мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланадиган жиҳозлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 72 миллион 500 минг сўмлик фойсиз сўсудлар берилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 251 та оила фарзандлари учун 19 миллион 117 минг сўмлик ўқув қуроллари ҳамда дарсликлар харид қилинди. Жамоа шартномалари орқали нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 37 нафар болани аёлнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланди. — Тармоқда меҳнатни муҳофазалаш ҳамда белгиланган тартибда иш ўрни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан хабаримиз бор. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ушбу ўта долзарб вазифани бажариш учун 985 миллион 120 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 34 минг 811 минг сўмини ташкил этди. 42 та ташкилот фаолияти ўрганилди. Маълум бўлдики, айрим раҳбарлар меҳнат муҳофазасини ҳамон фақат қўшимча таътилга пул тўлаш, бепул сўт маҳсулотлари бериш, зарарли иш шароити учун қўшимча ҳақ тўлаш деб тушунишмоқда. Эски қарашларга барҳам бериш вақти келди, албатта. Иш жойларини шаходатлаб, ишчи-хизматчиларга рисоладагидек иш ўрни яратиш бериш ҳар бир ташкилот, корхона ҳамда муассасалар маъмурияти ва касаб уюшма ташкилотининг кечиктириб бўлмайдиган бирламчи вазифасига айланмоғи зарур. Шу билан бирга, жамоатчилик асосида сайланган вакилларнинг иш фаолиятини такомиллаштириш даркор. — **Айнан шу ҳол нодавлат секторда касаб уюшма ташкилотларини тузишга эътиборни кучайтиришни тақозо этади.** — Бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали олдимизда турган вазифалар нияҳоятда кўп. Кези келганда таъкидлаб ўтишимиз керак, бу борада Чилонзор (кенгаш раиси Маъсува, Удирисова), Сергели (кенгаш раиси Шоира Шамшиева), Олмасор (кенгаш раиси Зулхумор Мирплўлатова) туманларида ижобий силжиш кўзга ташланаётди. Биз ҳар бир туман ҳокимликлари тадбиркорлар палатаси, статистика бўлимлари билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқдамиз. Сабъ-ҳаракатларимиз натижасида ҳар ойда янги-янги бошланғич ташкилотлар сафарларимизни тўлдирмоқда. Масалан, «Меран» (Хитой-Ўзбекистон), «Чина» чет эл қўшма корхоналари шулар жумласидан. Бу ишни янада кучайтириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдамиз. Туман ҳамда шаҳар миқёсидаги йиғилишларида касаб уюшма аъзоллиги афзалликлари тўғрисида кенг тушунча бериляпти. Ҳар бир тадбиркорга таянч бўлиш масъулияти биздан шуни тақозо этади. **Суҳбатдош: Неймат РАФИҚОВ, «Ishonch» мухбири**

Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Алфа» хусусий корхонаси иш бошлади.

Сифатли, бежирим...

— Бозор талабларидан келиб чиқиб, ўндан зиёд турдаги мавсумий кийим-кечақлар тайёрляпмиз, — дейди корхона раҳбари Ҳасанбой Содиков. — Ишлаб чиқарилаётган сифатли ва бежирим маҳсулотлар мамлакатимиз ички бозоридида сотилмоқда. Хориждан замонавий дастгоҳлар келтирилиб ўрнатдик. Бунинг учун корхонанинг айланма маблағлари ҳамда «Агробанк»нинг туман бўлимидан олинган 70 миллион сўм кредит сарфланди. Ойига олти минг дон трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур корхона ишга туширилиши билан 15 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароит яратилган. **Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган масъалат бериш ҳуқуқига эга тузилма саналади. Кенгаш ишини ташкиллаштиришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Президентимизнинг Фармон ҳамда Қарорлари, Фармоийишлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъърий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянилади. Фуқароларни мuddатли ҳарбий хизматга қақриш, шартнома бўйича ҳарбий хизматга белгилаш, сафар-хизматга қақриуви резерви хизматига олиш тадбирларини ташкиллаштириш, бўлини ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, юсак ахлоқ ва маданият сақланганини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан олиб борилаётган фаолият самарасини ошириш масалаларига доир тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан

самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар бериб келмоқда.

Айниқса, Жамоатчилик кенгашининг уюшмалар, жамғармалар, нодавлат номини ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маданият, санъат ва фан намоёндаларидан таркиб топгани ҳамда республикамизнинг ижодий уюшмалари, хусусан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси, жойлардаги ҳокимият вакиллари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиб бораётганлиги нафақат устувор вазифаларнинг тўла

Хуқуқий ҳимоя

Навоий вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими томонидан аҳолига ҳуқуқий ёрдам бериш борасида муайян ишлар амалга оширилаётди. **Жорий йилнинг 9 ойи давомида 258 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 46 таси ёзма, 108 таси оғзаки ва 104 таси «Ишонч телефонлари»га қилинган мурожаатлардир. Улар бўлим томонидан Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун асосида кўриб чиқилиб, белгиланган мuddатларда жавоб берилган.**

Мурожаатга жавобан...

Мурожаатларнинг аксарияти меҳнат қонунчилиги, иш ҳақи, компенсация, муқофот пуллари, нафақа ҳамда бошқа масалаларни қамраб олган. Жорий йилда 8 нафар фуқаро суд ва вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг тақдимномасига асосан олдинги ишларига тикланди. Мисол учун, АТИБ «Ипотека-банк»нинг Навоий филиалида кассир вазифасида ишловчи М.Нуриддинованинг меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилингани тўғрисидаги мурожаати бирлашма юридик бўлими томонидан ўрганилиб, Фуқаролик ишлари бўйича Қармана туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суд томонидан даъво ариза қаноатлантирилди ва М.Нуриддинова аввалги лавозимига ишга тикланиб, унга мажбуран бекор юрган қуилари учун 959 минг. 376 сўм ҳамда 737 минг. 982 сўм маънавий зарар ундириб берилди. Қонимех туманидан А.Ғаниеванинг ҳам шунга ўхшаш вазиятда қилган мурожаати бўлим томонидан ўрганилиб, тегишли тартибда Навбахор туманлараро фуқаролик судига даъво ариза киритилди. Натижада, А.Ғаниева фойдасига даъво қаноатлантирилди ва аввалги ишга тикланиб, мажбуран бекор юрган қуилари учун 2 млн. 362 минг.97 сўм ва 283 минг. 954 сўм маънавий зарар ундириб берилди. Юридик бўлим томонидан жорий йилнинг 9 ойида 60 марта вилоятдаги касаб уюшмаларига аъзо корхона, ташкилот ва муассасаларда, ўқув юртларида турли мавзуларга бағишланган ўқув- семинар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилган. Уларга вилоят Ички ишлар ва Адлия бошқармалари ходимлари кенг жалб қилинди. Фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ҳамда газеталарида кўрсатув ва мақолалар мунтазам бериб борилади. Шунингдек, Навоий вилояти касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси билан имзоланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида янги корхона, ташкилот ва муассасаларни ташкил этиш жараёнида уларга зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда бепул ташкилий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга қаратилган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи «Услубий марказ» ташкил этилди. Шу тариқа, мурожаатлари юзасидан фуқароларга Савдо-саноат палатаси ва Бирлашма юридик бўлими ходимлари биргаликда амалий ёрдам бериб келаятир. «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми»нинг вилоят худудий ахборот маркази билан ҳамкорликда ҳам фуқароларга ҳафтанинг сешанба ва пайшанба кунлари ҳуқуқий маслаҳатлар бериляпти. **Навоий вилоят касаб уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими**

Ҳарбийлар эъзозда

Жамоатчилик кенгаши томонидан ҳал этиладиган асосий вазифалар: мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган энг долзарб масалаларга оид жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг муайян тизимга солинган мониторингини таҳлил қилиб бориш, жамоатчилик уюшмалари ва фуқаролик ошйрилаётган бошқа турдаги институтлари билан Мудофаа вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилишини таъминлаш; ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий жиҳатдан муҳофазат қилиш, уй-жой билан таъминлаш, тиббий таъминотини, яшаш ва хизмат ўташининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

қонли бажарилишига, балки ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маънавий-руҳий ҳолатларини барқарорлаштириш, қатъий ирода ва характер, фаол ҳаётий позицияларини шакллантириш имконини бермоқда.

Хусусан, шахсий таркибининг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазат қилинаётгани, ҳарбий қисмда қарор топган ҳуқуқий тартибот ва ҳарбий интизом ҳолати билан бевосита таниниши, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг ўй-фикрлари, муаммо ва истакларини ўрганиш, давлат идоралари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда тежеракциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши тобора самарали бўлиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. **Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири**

Халқаро тажриба

Халқимизда азалий қадрият сифатида шаклланган маҳалла институтини жамоа бўлиб яшовчи инсонларнинг ўз ўзини бошқариш, ўзаро қўмақлашиш, жумладан, ижтимоий ҳимояни ўз ичига олганлиги билан ажралиб турувчи ҳодисадир. Қизғин шундаки, жамият қурилишининг бундай механизми бошқа халқлар орасида учрамайди. Маҳалла зарур бўлганда нафақат моддий ёрдам кўрсатади, балки миллий-маданий, маънавий урф-одатларни қўллаб-қувватлашга ёрдамлашдади. Халқ орасида бўлган ҳақ оқсоқлар орқали оила, аёллар, қаришлар ва болалар ҳуқуқлари бузилмаслигини назорат қилади. Аҳолининг энг кичик муаммоларини ҳам ҳал этилишида бевосита иштирок этади.

Бирни кўриб фрикв қил

Таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришганимиздан сўнг азалий қадриятларимизнинг тикланиши билан бирга, маҳалла институтининг ҳам янги босқичга бошланди. Унинг фаолиятини тартибга солуви, янги ҳуқуқ ва эркинликлар берувчи қонунлар вужудга келди. Натижада, маҳалла ҳуқуқининг алоҳида субъектига айланди. Айниқса, раислари (оқсоқлар)нинг сайлаб қўйиш тартиби қатъий белгиланб, ва-зифани адо этиш учун фуқаролардан энг муносибни аҳолининг ўзи танлаб олиш имконияти яратилди. Дарҳақиқат, XXI асда инсоният ривожланишининг янги босқичига кўтарилиди. Унинг ҳаётини тартибга солиб борувчи ижтимоий механизмлар тақомиллашди. Узини ўзи бошқариш органлари бу ҳаракатдан четда қолгани йўқ. Шу сабабга қараб ҳам ўзаро ижтимоий ҳимоя масаласида бошқа халқларнинг тўлган тажрибасини ўрганиши фойдалан холи эмас. Бу борада Францияда тўлган тажриба ҳозирги замон социологларнинг қизғин мунозараларига сабаб бўлаётди. Олимларнинг фикрича, бу мамлакатда ижтимоий ҳимоя тизимининг шаклланиши уч босқичдан иборат. Биринчи босқич — Урта асрлардан XIX асгача бўлган давр. Иккинчи босқич — XIX ас охиридан XX ас бошларигача бўлган мuddат. Учинчи босқич — Иккинчи жаҳон урушидан то ҳозирги кунгача бўлган, яъни ижтимоий ҳуқуқнинг янги механизми ва соҳа ихсолатларини ўз ичига олувчи давр ҳисобланади. Бу даврда ижтимоий ҳимоя ижтимоий таъминот сифатида шакллана бошлади.

Мамлакатда ижтимоий-ҳуқуқий таъминотнинг илк шакллари ишчи-меҳнатқиларнинг иходи ҳисобланади. Бу бирдмлик механизмнинг муайян кўриниши бўлиб, меҳнатдаги фалокатлар, беморлик каби ҳаф-хатарлар олдига бйрлашши тенденциясидир. Ҳавф-хатар — бу асарияти касбий касалликлар, қаровчисиз кексаллик ваҳимаси, ногиронлик ҳисобланган. Натижада, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш жамиятларига асос солинган.

Маъzur жамиятларнинг баъзилари анчадан бери фаолият кўрсатиб келади (масалан, меҳелосоз усталарнинг ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш жамияти 1760 йилда ташкил қилинган). Улар француз Конвенцияси, Директорияси, Консуллик ёки Империя даврларида ҳам мавжуд бўлган. 1830 йил инқилоб олдидан ушбу жамиятлар миждори айниқса кўпайган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида ижтимоий ғояларнинг тобора кенгайиб бориши кузатилади. Ҳаттоки, баъзи бирлари маъус миллий релжаларга ҳам киритилиб, ижтимоий-ҳуқуқий таъминот режасини деярли тўлиқ таърифлаб берди.

1945 йилда француз халқининг урушдан кейинги енг шариотдан чиқши учун «Ижтимоий суғуртани» жорий қилиш ихсолатларининг асосий таркибий қисми бўлиб қолди. Ижтимоий ривожланишидан ва ижтимоий-ҳуқуқий таъминотнинг француз модели ўзига ҳос бўлиб, XX асдаги турли-туман қарашларнинг оригинал синтези ҳисобланади.

«Франция урушдан анча қийинчилик билан чиқди. Эски қадрлар яқсон этилди. Шу муносабат билан, ижтимоий тизимни бошқатдан қайта қуриш лозим. Ихтисодий соҳада бўлганидек, ижтимоий-ҳуқуқий соҳада ҳам янгиликлар яратиш керакдир», деган ғояни француз ҳуқуқшуноси Пьер Ларок илгари сурган. Бу ғоя қонунчиликда мавжуд бўлган қамчиликка илк таъсирлардан бири эди. Лекин бу давргача Европада икки хил асосий ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя модели, яъни ижтимоий суғуртага асосланган Бисмарк тизими ва давлат ижтимоий таъминотига таянган Беверих тизими мавжуд эди.

Ижтимоий суғуртага асосланган Бисмарк тизими биринчи бўлиб пайдо бўлган. Франция устидан галаба қозonganдан сўнг немис империяси ишчи-меҳнатқиллар ҳаракатининг қаршилигига рўбарў бўлди. Немис қанчиси Бисмарк ишчилари тинчлантириш мақсадига меҳнат жаранасида етказилганидан шикоятларга қарши мажбурий суғурташани талаб қилувчи қонун лойиҳасини Рейхстаг тақдим этган. Шундай қилиб, оз миқдорда машо олувчи меҳнатқилларга 1880 йилда бошлаб мажбурий беморлик суғуртаси жорий этилди. 1889 йилга келиб эса ногиронлик ва кексаллик суғурталари йўлга қўйилди. Шу тариқа, XIX аснинг аънанвий либерализм тамойилларини инкор этиш «ижтимоий сийсат», «ижтимоий демократия» ва «реформизм» каби тушунчалар пайдо бўлди. Айни пайтда Австрия, Германия, Бразилия ва бошқа мамлакатларда ушбу тизим кенг жорий этилди.

Давлат ижтимоий таъминотига таянган Беверих тизими: Бисмарк тизими таъридан ўтказилганидан кейин, Буюк Британия ўз ижтимоий моделини кашф этди. Унга қараб, касб-коридан қатъи назар, ҳар бир фуқаро барча ижтимоий таъминотлар билан бўлиши керак эди. Буюк Британия шу тарзда миллий ижтимоий таъминотнинг тарихий далили сифатида танлиди ва Швеция, Дания каби давлатлар билан биргаликда ижтимоий демократия рамизига айланди.

Француз тизими эса, қўриқдаги иккала тизимдан баҳра олган ҳолда, ўзига ҳос моделини яратганига қарамай, ҳозирги француз ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси ижтимоий суғуртага асосланган Бисмарк тизимига кўп томонлама ўхшаб кетади.

Лукмонжон ИСОКОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходими

Реклама ва эълонлар

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 9 декабрда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга тақлиф этилди. Давлат активларини сотиб олиш шартлари куйидагича: - энг юқори сотиб олиш баҳосини тақлиф этиши; - ушбу давлат активлари учун белгиланган инвестиция киритиш мажбуриятини олиши; - янги ишчи ўринлари ташкил этиши; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа мuddатларда амалга ошириши. Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар: - сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошлангич нархидан 15% дан кам бўлмаган гаров суммаси; - тақлифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада. Савдо солиғига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шартли юклатилади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3-соат қолганда тўхтатилади. Музокаралар 2013 йил 9 декабр кuni соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шoҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Ушбу кuni савдолар бўлмаган тақдирда 2013 йилнинг 16, 23, 30 декабр кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шoҳ кўчаси, 16-«А» уй манзилида ўтказилади. Мурожаат учун телефонлар: 233-22-83, 233-74-72.

Оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

Table with 10 columns: №, Объект номи, Ёш ва шартлари (кв.м), Объект мавқеи, Баъзидан қалончи, Ц/В/М/К, Савдо шартлари, Давлат активига оидла вақти (савдо шартлари), Инвестиция маъмурияти (млн.сўм), Инвестиция шартлари мuddатлари. Rows include various land plots and buildings for sale.

Хизматлар лицензияланган.

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада).

Модомики, давлат бошқаруви, ҳокимият тизими, ички ва ташқи сийсатнинг йўналишлари халқнинг орзу-истаклари, интилиши ва мақсадлари асосида ташкил қилинар экан, бу даражадаги катта масъулиятни зиммасига оладиган халқнинг ўзи қанақа бўлиши керак, деган саволга Бош қомусимиз «эркин бўлиши керак», деб жавоб беради ва бунини қонуний жиҳатдан қафолатлади.

Ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, ўз шаъни ва обрўсига қилинадиган таъвозулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиши, турар-жойи дахлсизлиги, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши каби ҳуқуқлар билан бирга юртдошларимизга фикрлаш, сўзлаш ва эътиқод эркинлиги борасида ҳам жаҳондаги энг демократик андазаларга мос имкониятлар берилган.

Айни пайтда жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вақиллари орқали иштирок этиш, сийсий партиялар, жамоат бирлашмаларига уюштиш, ваколатли давлат идораларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат этиш, мулкдор

бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билли олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш

Қутлуғ қомусимиз

сингари ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи ҳам Конституциямиз саҳифаларига муҳрлаб қўйилган.

Миллий истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу эркинликлардан юртимизнинг ҳар бир фуқароси эмин-эркин фойдаланиб келяпти, яъни Асосий Қонунимиз белгиланган ваколатлар турмуши билан бирлашиб, уйғунлашиб кетган.

Оддийгина мисол: мамлакатимизда инсон ҳақида ҳам-ҳўрлик у туғилмасиданоқ бошланади. Оналарнинг солиғини ҳимоя қилиш юзасидан қўрилаётган тадбирлар, ҳомилар аёлларга кўрсатилаётган ҳам-ҳўрлик, энг аввало, соғлом фарзанд туғилишига қаратилган. Фарзанд туғилгандан сўнг уни асраш-авай-

лаш, оиланинг моддий аҳволига қараб, тегишли нафақаларни белгилаш, вақтида тиббий қўриқдан ўтказиш, эмлаш сингари тадбирлар жажжи ўғил-қизларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан барқамол

бўлишига хизмат қилапти. Мактаблар, лицей ва касбухона коллежлари уларнинг замонавий билим асосларини ўзлаштиришлари, маънавий ва жисмоний чинқишлари, касб эгаллашлари, юртнинг ҳар томонлама етуқ фуқароси учун шарт-шароит яратиб бўлса, олий ўқув юрталари фарзандларимизнинг ис-теъод ва қобилиятларини намоён этиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта имкониятлар эшитгини очмоқда.

Ўз лаёқатига мос йўлни, касбини танлаган ҳар бир фуқаро иқтисодийнинг турли соҳасида ишлаб, меҳнатига яраша ҳақ олмоқда. Тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятига эга бўлган йигит ва қиз эса ўзи уddасидан чиқарилган соҳада ишлаб чиқариш,

хизмат кўрсатиш, тижорат билан шуғулланиши учун шарт-шароит мавжуд.

Кексалар, ногиронлар, қаровсиз қолган болалар давлатнинг доимий ҳимоясида. Айни пайтда юртдошлари-

лат ва жамият ҳаётини ривожлантиришда иштирок этаётганнинг ифодасидир.

Мамлакат сарҳадларини ҳимоя қилаётганлар ҳам, қонун устуворлигини таъминлаётган, турли хил жиноятчилик ва бузғунчиликларга, қонунбузарликларга қарши курашаётганлар ҳам шу халқнинг қонундорлари ва жиғарбандларидир...

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан бўён йигирма бир йил ўтди. Бу тарих учун кичик бир мuddат. Лекин, бизнинг халқимиз учун — қонун қафолатлаб берган эркинлик ва мустақиллиги билан яшаётган миллионлаб фуқаролар учун ўтган йилларнинг ҳар бири асрларга тенгдир, десак асло муболага бўлмайд.

Чунки, бу даврда биз кимлигимизни, ўз қадр-қимматини шунан теган ағладиқ, мустақиллигини эъзозлаган, ардоқлаган элнинг бугуни гўзал, эртаси умидбахш ва нурли бўлажагига ишонч ҳосил қилдик.

Бу — қутлуғ китоб — Конституциямиз қафолатлаган ҳуқуқ ва эркинликларнинг ша-рофатидир.

Бахтиёр РИЗАЕВ, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2013 йил 1 октябрдаги 4/39-сонли хатига асосан, «TOSHSANARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳри, Юносувод тумани, Наманган кўчаси, 32-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташуи автотранспорт воситалари тақроан қуйилмоқда:

- 1. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 ВЕ 470, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 2. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10АХ321, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 3. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 848, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 4. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 546, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 5. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 АХ 703, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 6. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 684, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 7. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 АХ 872, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 8. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 АХ 459, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 9. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 АХ 849, 1984 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 181 000 сўм. 10. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 012 ТВА, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 197 000 сўм. 11. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 733, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 192 000 сўм. 12. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 973, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 13. ЗИЛ-138А русумли, д/р 10 АХ 494, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 186 000 сўм. 14. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 070, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 15. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 01 504 САА, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 16. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 615, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм. 17. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 701, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 18. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 847, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 209 000 сўм. 19. ЗИЛ-431610 русумли, д/р 10 АХ 808, 1990 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 215 000 сўм. 20. ЗИЛ-ММЗ-4502 АСГ русумли, д/р 10 АХ 470, 1987 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 665 000 сўм. 21. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ ру-

- сумли, д/р 10 АХ 992, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 557 000 сўм. 22. ЗИЛ-ММЗ-45021 АСГ русумли, д/р 10 АХ 660, 1978 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 927 000 сўм. 23. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 809, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 24. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 734, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 199 000 сўм. 25. ЗИЛ-ММЗ-45022 АСГ русумли, д/р 10 АХ 594, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 054 000 сўм. 26. ПАЗ-672М русумли, д/р 10 АХ 818, 1985 йилда и/ч а/в. Б/б - 4 340 000 сўм. 27. УАЗ-469 Б русумли, д/р 57-52 ТНА, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 912 000 сўм. 28. ГАЗ 2401 русумли, д/р 10 АХ 710, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 1 213 000 сўм. 29. УАЗ-31512-01 русумли, д/р 78-22 ТНА, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 233 000 сўм. 30. Н-13-130 русумли, д/р 10 В 205, 1991 йилда и/ч полуриссий, Б/б - 6 062 000 сўм. 31. ЗИЛ-431610 русумли, 10 АХ 795, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 203 000 сўм.

Савдо 2013 йил 25 ноябр кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2013 йил 22 ноябр кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 25 ноябр кuni сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2013 йил 9, 23 декабр ва 6 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 9 декабрдаги тақрорий савдолар учун 6 декабр кuni соат 18:00; 23 декабрдаги савдолар учун 3 январь кuni соат 18:00да тўхтатилади. Савдо солиғи 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истикбoл кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтими: www.rtmn.uz.

Изоҳ: а/в - автотранспорт воситаси, и/ч - ишлаб чиқарилган, б/б - бошланғич баҳоси. Хизматлар лицензияланган.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2012.10.20.13 йилдаги 1-1/22-сонли бюртномасига асосан, «TOSHSANARYUKTRANS» UYUSHMASI, «2515 AVTOJAMLANMASI»га тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани Паркент 5-тор кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташуи автотранспорт воситалари тақроан қуйилмоқда:

Table with 10 columns: №, Автотранспорт воситасининг русуми ва йили, и/ч йили, Давлат рақами, Бошланғич баҳоси (сўм), №, Автотранспорт воситасининг русуми ва йили, и/ч йили, Давлат рақами, Бошланғич баҳоси (сўм). Rows include various vehicles like ZIL-138A, ZIL-431610, etc.

Савдо 2013 йил 25 ноябр кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: 2013 йил 22 ноябр кuni соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2013 йил 25 ноябр кuni сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолар 2013 йил 9, 23 декабр ва 6 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2013 йил 9 декабрдаги тақрорий савдолар учун 6 декабр кuni соат 18:00; 23 декабрдаги савдолар учун 3 январь кuni соат 18:00да тўхтатилади. Савдо солиғи 10 иш кuni ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Манзил: Тошкент ш., Миробод т., Истикбoл кўчаси, 34-уй. Телефон: (8-371) 236-38-28. Расмий сайтими: www.rtmn.uz. Изоҳ: и/ч - ишлаб чиқарилган.

Хизматлар лицензияланган.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ «Poytaxt filiali» бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этилди!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 сентябрдаги 272-20-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 9 октябрдаги 639-25-сонли қарорлари ҳамда «2515 AVTOJAMLANMASI»нинг 2013 йил 1 октябрдаги 1/10-112-сонли бюртномасига асосан, «2515 AVTOJAMLANMASI» ДУКга тегишли бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 487-уй манзилида сақланаётган қуйидаги юк ташуи автотранспорт воситалари тақроан қуйилмоқда:

- 1. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 161 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 466 458,04 сўм. 2. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 163 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 11 964 699,15 сўм. 3. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АХ 801 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 10 079 758,97 сўм. 4. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АХ 802 бўлган, 1981 йилда и/ч а/в. Б/б - 4 947 172,03 сўм. 5. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 168 бўлган, 1991 йилда и/ч а/в. Б/б - 9 631 981,13 сўм. 6. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 025 бўлган, 1986 йилда и/ч а/в. Б/б - 3 903 508,53 сўм. 7. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 170 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 3 768 556,94 сўм. 8. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АУ 021 бўлган, 1983 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 328 641,42 сўм. 9. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АХ 796 бўлган, 1980 йилда и/ч а/в. Б/б - 7 370 969,49 сўм. 11. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АХ 797 бўлган, 1982 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 925 714,69 сўм. 12. З - 431610 русумли, д/р 10 АУ 019, 1989 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 228 016,53 сўм. 13. З - 431610 русумли, д/р 10 АУ 181 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 3 990 538,50 сўм. 14. З - 431610 русумли, д/р 10 АУ 182 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 5 636 552,37 сўм. 15. З - 431610 русумли, д/р 10 АУ 183 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 9 372 336,05 сўм. 16. ЗИЛ-138 А русумли, д/р 10 АХ 794 бўлган, 1975 йилда и/ч а/в. Б/б - 6 120 791,38 сўм. 17. З-431610 русумли, д/р 10 АУ 184 бўлган, 1988 йилда и/ч а/в. Б/б - 9 809 652,53. 18. ЗИЛ - 138 А бўлган, д/р 10 А

